



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 28 сентябрь, шанба • №78 (11.466)

• Эркин нарҳда сотилади

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни


КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар амалга оширилиши таъминлаш мақсадида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг суд-ҳуқуқ ислоҳоти масалалари бўйича кичик комиссияси 27 сентябрда кенгайтирилган йиғилиш ўтказди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов йиғилишда Президентимизнинг сессиядаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталди. Йиғилишда таъкидландики, кичик комиссиянинг асосий фаолияти суд-ҳуқуқ ислоҳотининг навбатдаги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилади. Мамлакатимиздаги судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, юридик соҳадаги илмий ва ўқув муассасалари, бошқа бир қатор ташкилотлардан шу йўналишда таклиф ва мулоҳазалар келиб тушаётганлиги айтиб ўтилди.

Кичик комиссия аъзолари қилинадиган ишларни янада пухта ташкил этиш, қандай қонун ҳужжатлари лойиҳаларини яратиш, амалдаги қайси қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, амалга оширилиши лозим бўлган бошқа тадбирлар ҳақида ҳам фикрлашиб олди.

Ў.А.



БАЙРАМ МУБОРАК

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ўқитувчилар ва мураббийлар катта ўрин тутганини ҳисобга олиб, республикада бу борада қизгин ва изчил иш олиб борилаётган. Асосий эътибор ўқитувчиларни қайта тайёргарликдан ўтказиш, ўз касб малакаларини мустақил ошириб боришлариغا, илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириб, оммалаштиришга қаратилган.

Буни биргина Оққўрғон туманида амалга ошган ишлардан ҳам кўриш мумкин. Туманда педагогик ходимлар, тарбиячилар ва ўқувчилар ўртасида кўрик-танловларнинг анъанавий тус олганлиги ўқитувчилар жамоаларининг ибратли ижодий-педагогик изланишлари туфайли бу йил педагогик жамоалар ўртасидаги «Йил мактаби» кўрик-танловида

К. Ёралиев раҳбарлик қилаётган 6-мактаб ғолиб чиқди, «Йил ўқитувчиси—2002» кўриктанловида 4-мактабнинг тарих ўқитувчиси Лола Носировага ҳеч ким тенг кела олмади. 36-мактаб ўқитувчиси М.Ҳайдарова «Йилнинг энг яхши маънавий ўқитувчиси» деб топилди. 5-боғча ходимаси Муқаддам Раимова эса, «Йилнинг тарбиячиси — 2002» кўриктанловида ғолиб чиқди.

— Мактабларимизда бундай илғор ва ҳар томонлама етуқ устозлар оз эмас, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Муҳиддин Убайдуллаев. — Барча ўқитувчилар ва мураббийларни яқинлашиб келаётган касб байрами билан қизгин қутлаймиз.

Байрамингиз муборак, азиз устозлар!

ОАВ ЭРКИНЛИГИ: ЯНГИ ШАРОИТ — ЯНГИ ТАЛАБЛАР

26-27 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиё давлатларидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари вакиллари тўртинчи конференцияси бўлиб ўтди. «ОАВ эркинлиги ва коррупция» мавзуда ўтган бу галги анжуманда минтақа давлатларидан келган юздан ортиқ журналист иштирок этди.

1999 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бу конференция илк бор Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлган. Орадан бир йил ўтгач Тожикистон, сўнг эса Қозғистон учрашувга мезбонлик қилган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ҳамда Очиқ жамият институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган бу галги учрашувда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир қаторда, турли нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди. Иштирокчилар 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ўтган бир йил давомида Марказий Осиё мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида юз берган ўзгаришлар, минтақа давлатларида сўз эркинлигини таъминлаш, юзга келган шароит ОАВ вакиллари олган қўйиши мумкин бўлган янги талаблар, журналистикани коррупция таъсиридан муҳофаза қилиш борасидаги тажрибаларга оид фикрлари билан ўртоқлашди.

(Ў.А.)

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси

ЁШЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида йигитларни армия сафига кузги чақирув уюшқоқлик билан бошланди.

Қибрай туманининг ёшларни ҳарбий хизматга чақирув пунктида ўқув-маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. У вилоятимизда кузги ҳарбий ва муқобил хизматларга чақирувга ёшларни тайёрлаш, вилоят шаҳар ва туманлар ҳарбий чақирув-тиббий комиссияларининг иш фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланди. Ўқув-маслаҳат кенгашида вилоят чақирув комиссиясининг аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бўлиmlарининг бошлиқлари, бош шифокорлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Соғлиқни сақлаш ва Мудофаа ишлари вазирликларининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Ўқув-маслаҳат кенгашини Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят чақирув комиссиясининг раиси Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Маълумки, Президент Ислам Каримов Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

Пахта — 2002

БИРИНЧИ ТЕРИМ, БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Пахта йиғим-теримида вилоятда пешқадамлик қилаётган Чиноз туманидан дастлабки хушxabарлар кела бошлади.

«Дўстлик» ширкат хўжалигида бир йўла икки бригада пахта топшириш шартнома режасини бажарди. Абдурахим Тўлебоев бош бўлган пудратчилар 52 гектар майдондан кечаги кунгача 162 тонна юқори навли хомашё териб олдилар. Ўртача ҳосилдорлик режадаги 29,6 центнер ўрнига 31 центнерданга тўғри келди. Сайёра Рамизова, Дариҳа Айдарова сингари пудратчилар эса, 70 фоиз майдоннинг ўзидан 35 центнердан хирмон уйдилар. Энди улар 40 центнерлик маррани кўзлаб, теримни давом эттиришмоқда.

Самин Мавлонов бошлиқ пудратчилар ҳам шу кунгача 104 тонна ҳосил топшириб, режани бажардилар. Ҳар икки бригада даласида ҳали кўл урилмаган 20 фоиз майдон турибди. Эндиги мўлжал — умумий ҳосилдорликни 38 центнерга етказиш.

Шунингдек, С.Раҳимов номли ширкат хўжалигидан Боймуҳаммад Бойматов бошлиқ пудратчилар давлатга 100 тоннадан зиёд пахта топшириб, дастлабки доводдан ошдилар.

Мулоҳаза

ХУШҲАВО ОРОМГОҲ ҚАЧОН «ИККИНЧИ НАФАС»НИ ОЛАДИ?

«Олтин-ёмби» дам олиш уйи Бурчмулланинг шундай биқинида, Чорбоғ денгизининг қирғондаги хушманзара жойда. Ўн йиллар мобайнида у кон-муталургия саноати корхоналарининг ишчи-хизматчилари учун роҳатбахш дам олиш ва соғломлаштириш маскани бўлиб келди. Яхши ниятлар билан 200 кишилик янги кўпқаватли бино қурилди.

— Лекин, неча йилки уни ишга тушира олмаямиз, — дейди дам олиш уйининг раҳбари Рустой Зиёвуддинов. — Сув таъминоти, иситиш масаласи ҳал эмас. Йиллар ўтиб, эндиликда бинонинг ўзи таъмирталаб бўлиб қолди.

Рустой аканинг ташвишли гапларида жон бор. Аввало, кейинги йилларда дам олувчилар камайиб кетаяпти. Бунинг сабаблари кўп. Энг асосийси — дам олиш уйидаги шароитлар бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганлигида. Уни яхшилаш учун жамоанинг молия-иқтисодий имкониятлари йўқ. Иқтисодийнинг бу соҳасини бошқариш ислоҳ қилинган, кончилар ва металлург-

(Давоми 3-бетда).

БИРИНЧИСИ АНГРЕНДА БЎЛИБ ЎТДИ

Мулоқот

Илгари хабар берганимиздек, вилоятимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари аҳолиси билан бевосита жойларнинг ўзида мулоқотда бўлиш, уларнинг ариза ва шикоятларини, қизиқтирган масалалар бўйича мулоҳазаларини тинглаш ва ҳал қилиш, зарур бўлса, уларга тегишли маслаҳатлар бериш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Шундай учрашувларнинг дастлабкиси Ангренада бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги бу муҳим тадбирга олдидан тайёргарлик кўрди. У ҳақда оммавий ахборот воситаларида бир неча кун илгари маълум қилинди, махсус плакатлар чиқарилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари қабулда бўлишни истаган фуқаролар рўйхатга олинди. Улар кўймоқчи бўлган масалаларга қараб кимга кириши лозимлиги белгиланди. Учрашувлар қайд қилинадиган махсус дафтарлар тайёрланди.

Вилоят прокурори Фаҳри Раҳимов, вилоят жинойт ишлари бўйича суд раиси Йўлдош Назаров, фуқаролик суди раисининг ўринбосари Рустам Исломобеков, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Мирсамат Одиловлар алоҳида-алоҳида хоналарда меҳнаткашларни қабул қилдилар. Улар ҳузурига турли масалалар, шикоят ва аризалар билан олти нафардан ортиқ ангреник-

лар ташриф буюришди. Кўпгина шикоят ва аризалар шу жойнинг ўзида шаҳардаги мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида кўриб чиқилди ва ҳал қилинди, айримларининг ижроси бўйича муддатлар белгиланди ва қаттиқ назорат остига олинадиган бўлди. Унлаб фуқаролар улардан ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам олдилар.

Қабул соатларини ўтказган бу идоралар раҳбарлари шаҳар ҳокимлиги ва унинг бўлимларида меҳнаткашларнинг шикоят ва аризалари билан ишлаш қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам танишдилар ва уни янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Қабулда бўлган барча фуқаролар учрашувдан қониқиб ҳосил қилиб, бундай тадбирларни вақти-вақти билан ўтказиб туриш фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлашди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

МАҲОРАТ СИНОВИДАН ЎТМОҚДАЛАР

Бўстонлик туманининг тоғли минтақасида фавқулодда вазиятларда қутқарув хизмати вакиллари республика мусобақалари бошланди. Қутқарувчилар уч тур бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Жабрланганларни биноларда, қояларда қутқариш ва фавқулодда ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича беллашувлар икки кун давом этади. 27 сентябрь куни мусобақалар бошланди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи дастурий маъруза билан чиқди. Юрбошимиз ўтган ўн бир йил мобайнида амалга оширилган улғув ишлар, ислохотлар туфайли эришилган натижалар ва ҳали олдинда турган улкан вазифалар ҳақида гапириб, келгусида ислохотларни янада чуқурлаштириб, мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янги йўлидаги ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг етти устувор йўналишини белгилаб берди.

Ҳеч шубҳасиз, Куролли Кучларимиз олдига қўйилаётган бугун-

лар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитларни яратишимиз лозим.

Аввало, ўсмирлар саломатлигини ташхис қилиш ва муолажа жараёнлари мунтазам ўтказилишини, шифокорлар ҳеч қачон унутмасликлари керак. Қолаверса, қақирув пайти тиббий комиссиялар таркибига киритилган шифокорлар юксак маънавиятли, масъулиятни чуқур ҳис этувчи кишилар бўлмоқлари лозим. Олий Мажлис сессиясида ҳам алоҳида таъкидланганидек, ёшлар ўртасида муддатли ҳарбий хизматни адо этишга қизиқиб, яна ҳам аниқроғи, ундан манфаатдорлик даражаси ортиб бормоқда. Милиция, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига, аяна тарихида, армия мактабини ўтаган ёшларнинг қабул қилиниши бунинг

узундан-узук, лекин маънавиятимиз, дунёқарашимизга зид сериалларни намойиш қилишга берилиб кетдик.

Газета ва журналларимиз саҳифаларида бугунги Ватан мудофаачиларининг фаолияти, мустақиллигимиз душманлари билан курашдаги жасоратлари, ўқув-жан-



ЁШЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

ги талаблардан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларда мустақил юрт ҳимоячилари бўлишдек шарафли бурч учун ифтихор, Ватанга садоқат туйғуларини тарбиялаш борасида катта ишлар қилинди. Мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига эътибор кучайди. Ўзбекистон мудофаага қўмақлашувчи ташкилоти мутлақо янги асосларда қайта ташкил этилди ва бугунги кунда «Ватанпарвар»нинг вилоят, шаҳар ҳамда туман бўлимлари «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий бўлимлари билан яқин ҳамкорликда ўсмирларни Ватан хизматида тайёрлаш борасида қизгин иш олиб бораётир.

Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида қўйилган вазифалар нуктаи назаридан таҳлил қилинадиган бўлса, ўсмир-йигитларни ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёрлаш ишлари ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Турри, кейинги пайтларда ҳарбий хизматга сафарбар этилаётган йигитларнинг турли нуқсонлар туфайли қайтариб юборилиш ҳоллари кескин камайди. Лекин, деб таъкидлашди ўқув-маслаҳат кенгашида сўзлаган нотиклар, йигитларимиз соғлиги ёки бошқа сабаблар билан ҳарбий хизматдан асло қайтарилмаслигига эришмоқ зарур. Бунинг учун уларнинг соғлигини болаликдан мустаҳкамлаш, маънавий баркамол ва жисмоний етук инсон-

асосий сабабидир. Шу боис ҳам ҳарбий хизматга қақирилув пайтларида ёшларни армияга саралаб жўнатишнинг аҳамияти ортиб бораёпти.

Қақирув-тиббий эксперт комиссиялари таркибида бугун саккиз мутахассисликка доир шифокорлар, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиши ҳарбий хизматга ақлли, маънавий-руҳий, жисмоний етук йигитларни танлаб олиш имконини беради.

Шу билан бирга ҳарбий хизматга олдидан тайёрлаш жараёни ҳам муайян нуқсонлардан холи эмас. Аввало, кейинги йилларда оилада, боғчалар ва умумтаълим мактабларида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бир қадар эътиборсизлик юз берди. Шу боис ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қақирув қозони олган йигитларнинг қақирув пунктларига вақтида келмаслик фактлари ҳам учрамоқда. Бунинг сабабини, албатта, айрим ёшларимиздаги ўз конституциявий бурчини ҳис этмасликдан излаш керак. Айрим ёшларимизда армия хизматида маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси, бу масъулиятни идрок этиш етишмайди.

Яна бир гап борки, у ниҳоятда жиддий. Бу ўринда оммавий ахборот воситалари, кино ва театр санъати воситасида ёшларни маънавий-руҳий чиниқтириш, ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ниҳоятда самарали аяналари унутиб юборилганини назарда тутаямиз. Бир жиҳатдан, нукул хорининг «урйикит», иккинчи жиҳатдан, енгилелли, комик кинофильмларини ёки

говар машқлар ҳақидаги материаллар ҳам кам. Уларда зобитларимиз ва аскар йигитларнинг ички дунёси, интилишлари очиб берилмайди.

Ўқув-маслаҳат кенгаши иштирокчиларининг эътибори қақирув пунктларида олиб бориладиган ишларнинг мазмун ва моҳиятини тубдан ўзгартириш лозимлигига ҳам қаратилди.

Чунончи, бу манзилларни ёшларда муқаддас тупроғимиз ҳимоячилари бўлиш билан фахрланиш, шу мустақил Ватан учун ифтихор туйғуларини кучайтиришга хизмат қилувчи фотостендларни жиҳозлаш, бадий панно-суратлар билан безаш ниҳоятда муҳим. Шундай қилиш керакки, қақирув қозони билан комиссия кўригидан ўтаётган йигитлар бирор дақиқа бўш қолмасин. Қақирув-тиббий эксперт пунктларида кинофильмлар намойиш қилиш, Ватан, эркинлик, жанговар хизматни улғувчи куй-қўшиқлар дастурини тузиб, ҳаваскор ижрочилар ва таниқли кўшиқчиларимизнинг концертлари, саҳна усталарининг чиқишларини ташкил этиш лозим. Токи хизматга отланаётган ёшлар учун қақирув пунктларида тантанали маънавий-руҳий вазият юзага келсин.

Ўқув-маслаҳат кенгаши иштирокчилари анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни инobatга олиб, тегишли идоралар учун ҳарбий хизматга қақирув фаслини муваффақиятли ўтказиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишди.

Жўрбек МУРОДОВ.



ҲАМКОРЛИК

ОЛИМЛАР ФИКР АЛМАШДИЛАР

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг долзарб масалалари бўйича халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда Япония, Хиндистон, Покистон, Россия ва Марказий Осиё давлатларининг олим ва мутахассислари иштирок этди.

Уч кун давом этган анжуманда қишлоқ хўжалигида самарадорликни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган кимёвий воситалар-

нинг турли мамлакатлар шароитига мос янги турларини яратиш борасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, уларни қишлоқ хўжалик экинларида ишлатиш миқдорларини белгилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ НАШР ТАҚДИМОТИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар БМТнинг расмий тилларида, аксарият ҳолларда, рус ёки инглиз тилидадир.

Бугунги амалиёт эса ушбу ҳужжатлар аҳолининг кенг қатламига тушунарли бўлиши учун уларни давлат тилида наشر этишни ташкиллаштириш зарур эканини кўрсатмоқда.

Бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари» тўпламининг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур тўпلام Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари, Олий Мажлис Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти /ЕХҲТ/нинг Тошкентдаги Маркази ҳамкорлигида наشرга тайёрланди.

ЎЗА.

ДАВР ИМКОНИАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида «Оммавий ахборот воситалари ва сиёсат» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. У Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ахборот технологиялари ва ахборотнинг глобаллашуви асрида ислохотларнинг янги босқичи журналистларни республикада ва дунёда рўй бераётган воқеаларни жамоатчиликка тез, холис ва ҳар томонлама мувозанатланган тарзда етказишга даъват этади.

Тадбирда янги шароитда ижтимоий фикрни шакллантиришда, Интернетдан фойдаланиб жаҳон ахборот майдонига киришда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ва ўрнига оид масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК МУАММОЛАРИ

Темурийлар тарихи давлат музейида «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси ва АҚШнинг Оила тадқиқотлари институти ҳамкорлигида «Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва репродуктив саломатлик муаммолари» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва репродуктив саломатлик муаммоларини ҳал этишда эркакларнинг роли, аёллар ва ўсмирларни репродуктив саломатлик муаммолари, гендер муаммолари ва ушбу муаммоларни тадқиқ этишда халқаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишди.

Анжуманда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Экосан» халқаро жамғармаси, Оила тадқиқотлари институти (АҚШ), Гарвард университети (АҚШ), Мексика оила тадқиқотлари институти раҳбарлари ва педиатрия ва илмий тадқиқот институти ходимлари қатнашди.

«Туркистон-пресс».



Пахта – 2002

ЧИНОЗ – ҚАРВОНБОШИ

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим оммавий тус ола бошлади

Терим суръати, аввало, ҳосилнинг пишиб етилишига боғлиқ. Ҳосил эса, чеканка ва дефолиация вақтида сифатли ўтказилган жойларда, айниқса, тез етилади. Шу нуқтаи назардан хулоса қилганда, Чиноз тумани пахтакорларининг тажрибаси-ю, маҳоратларига тан бермоқ лозим. Улар ўтган йили ҳам мавсумнинг бошидан охиригача қарвонбошлик қилиб, давлатга пахта сотиш режаси-

ни вилоятда биринчи бўлиб ба- жарган эдилар. Чинозликлар бу мавсумда ҳам кунлик ўсишда энг юқори суръатга эришмоқдалар. Масалан, ўтган куни туман бўйича қарийб 3000 тонна пахта терилди. Бу йиллик режага нисбатан 4,02 фоизга тенгдир. Шу кунгача режанинг 15 фоизи миқдориди хом ашё тайёрланди. Янгийул тумани деҳқонлари 27 сентябрь куни 3,80 фоиз атрофида пахта тайёрлаб, чинозликлар билан изма-из бормоқдалар. Шунингдек, Бекобод ва Оққўрғон туманларида ҳам терим суръат-

лари кун сайин жадаллашмоқ- да. Айрим туманларда пахтазор- ларга терим машиналари олиб чиқила бошланди. Чиноз тумани бу борада ҳам намуна бўла- япти. Чунончи, ўтган куни ма- шиналар бункеридан 119 тон- на пахта тўкилди. 27 сентябрь куни вилоятда 6402 тонна, яъни йиллик ре- жанинг 2,29 фоизи миқдориди хом ашё тайёрланди. Шу кун- гача далалардан йиғиштириб олинган жами ҳосил қарийб 19600 тоннага етди.

Ўз мухбиримиз.



Иномжон Хусанов бошлиқ пудратчилар 68 гектар майдонга ўзлари ҳаддини олган «С-6524» навли чигит қадаб, ёз бўйи ас- тойдил парвариш қилдилар. Ҳар бир агротехник тадбир ўз вақ- тида маромига етказиб бажарилди. Шу боис биринчидан, кўчат қалинлиги ва ҳосил чўғи қўтилганидан зиёда бўлди. Иккинчидан, пахта бошқа далалардагига нисбатан олдинроқ етилди. Натижа- да йиғим-теримга нафақат Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, балки Пскент туманида биринчилар қатори киришилди. Айни кунларда қарийб юз киши қўл теримида қатнашмоқ- да. Хирмонга кунига 12-15 тоннага етказиб ҳосил уюлмоқда. Шахло Ҳакимова, Шаҳноза Ярашбоева сингари чевар терим- чилар 120-130 килограммдан ошириб пахта териб, режанинг иложи борича тезроқ бажарилишига ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунгача пудратчилар режадаги ҳосилнинг деярли ярмини саранжомлаб олдилар. Улар умумий ҳосилдорликни режадаги 30 центнер ўрнига 40 центнерга етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: илғор теримчилар (чапдан) Шахло Ҳакимова, Шаҳноза Ярашбоева; тарозбон Ихтиёр Ҳасанбоев иш устида.

Даврон Аҳмад олган суратлар.

**ЮЗАВЛОН
ЮЗ
КИЛОДАН**



ларнинг оромгоҳи мутлақо эгасиз бўлиб қолди. Иккинчи сабаб — дам олиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар муттасил қим- матлашиб кетишида. Ҳозир ўн икки кунлик йўлланманинг нархи 35 минг сўмдан ортиб кетди. Корхоналарнинг каса-

таътилнинг бир қисмини ўтка- зиш имкониятини ярата олмай- ди-да. Натижада дам олувчилар ва оромгоҳнинг ҳордиқ мавсуми кескин қисқариб кетди. — Илгарилари дам олувчи- ларни май ойининг бошидаёқ қабул қила бошлардик, — эслай-

бандлигини таъминлаш учун тинмай изланаёпти. Йўллан- маларни сайёҳлик фирмала- ри орқали тарқатишга ўтиш ана шу изланишларнинг са- марали йўли бўлиб қолди. Ай- тайлик, бу ёз «Гулкон» фир- маси орқали 560, «Саботли» фирмаси орқали 396 та йўлланма сотилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги қаро- ри асосида оромгоҳга сар- моядорлар, айниқса, хориж сармоядорлари эътиборини жалб қилиш борасида муай- ян ишлар бошланган. Ором- гоҳ меҳнат жамоасининг бу- тун умиди шундан. Ўшандаги- на Бурчмулланнинг энг хушҳа- во ва манзарали бу оромгоҳи «иккинчи нафас»ини олиб, қайта жонланиши мумкин.

... Эрта тонгда Чорбоғ ден- гизидида чўмилиб чиқаётган тўрт-беш киши янги бинога хушқол кириб кетди. Қизиқиб қирғоққа тушдим. Чўмилиш- дан завқ олиб ўйнаб-қулаёт- ганлар қанча. Сентябрьнинг биринчи ўн кунлигида ҳам сув илик. Бир томонда уч-тўрт қария кузги қуёш тифида тоб- ланишни ҳам бошлапти. Қуёш кўтарилгани сари қирғоқ гав- жумлашиб борди.

**Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.**

**ХУШҲАВО ОРОМГОҲ
ҚАЧОН «ИККИНЧИ
НАФАС»ИНИ ОЛАДИ?**

ба кўмиталари уларни сотиб олиб, ишчиларга ўн фоизли имтиёзли тартибда тарқатар эди. Бугунги кунга келиб, касаба ташкилотларининг ўзида имтиёз берувчи дара- жа яна 20 фоиз кўтарилди. Демак, Бекобод, Олмалик, Чирчик, Ангрен кончилари ва металлурглари бир йўлланма учун 10,5 минг сўм нақд тўлашлари керак. Табиийки, келиб-кетиш ва бошқа ҳара- жатлар ҳам ўзига яраша. Айтайлик, ойлик ўртача ма- ошнинг ҳозирги миқдориди ҳар ким ҳам ўзи учун Бурч- мулланнинг бу оромгоҳида

ди Зиёвуддинов. — Энди мав- сум муддати 2-2,5 ойдан ошма- япти... Шу муддатда ҳам оромгоҳ «тўла қувват» билан ишлай ол- майди. Айтайлик, бугунги «ол- тин» фаслда оромгоҳ 250 ки- шини мазмунли дам олдири- ши мумкин. Шунга яраша хиз- мат кўрсатиш соҳалари мав- жуд. Бироқ, яқунланиб бора- ётган мавсумда бор-йўғи 1458 киши дам олганлигини эслат- сак, аҳвол нечоғли мураккаб- лигини яққол тасаввур этиш мумкин. Шундай бир шароитда дам олиш уйининг маъмурияти мо- лиявий аҳволни енгиллаштириш, меҳнат жамоасининг иш билан

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ЎЗА
мухбирлари
хабар қиладилар**

Янги дарсликлар

Таълим самарадорлигини оширишда замо- навий талаб даражасидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун янги дарслик ва қўлланмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика таълим марка- зида бўлиб ўтган 7-синф ўқувчилари учун "Муסיқа ма- данияти", "Тасвирий санъат" ҳамда 8-9-синф ўқувчилари учун "Чизмачилик" дарслик- лари ва ўқув қўлланмалари- нинг тақдиротида шу ҳақда сўз борди. Тақдирот дарслик муаллифларининг амалиётчи

ўқитувчилар билан ижодий му- лоқоти тарзида ўтказилди.

Мамлакатимизда тасвирий санъат ўқув фани сифатида неча ўн йиллардан бери ўқити- лаётган бўлса-да, 5-7-синф- лар учун махсус ишланма йўқ эди. Эндиликда умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфлари учун педагогика фанлари номзоди А.Сулаймо- новнинг санъатшунос олим Н. Абдуллаев билан ҳамкорлик- да яратган дарслиги ўқувчи- ларнинг бу йўналишда олаёт- ган билимларини чуқурлашти- риш имконини беради.

Савдо белгиси — маҳсулот нуфузи

Ўзбекистон Республикасининг "Товар белги- лари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қо- нунни қабул қилинганига бир йил тўлди.

Мазкур қонун савдо бел- гиларидан фойдаланганда юзага келаётган муносабат- ларни мувофиқлаштиради.

Товар белгиларидан фой- даланиш тадбиркорликнинг бир субъекти ишлаб чиқара- ётган молни ва хизматларни бошқа шундай маҳсулотлар- дан фарқлашда жуда қўл ке- лади.

Бугунги кунда ҳар қандай жисмоний ёки ҳуқуқий шахс ўз товар белгиси сифатида турли тасвирий, ёзувли, тур- ли ҳажмдаги ва шакллардаги белгилардан фойдаланиш имкониятига эга.

Ҳар бир иш натижаси бил- лан гўзал. Бозорларимизда

товар ва хизматларнинг ни- ҳоятда кўпайгани туфайли мамлакатимиз ишлаб чиқар- увчиларида ўз маҳсулотла- ри товар белгиларига эга бўлиш эҳтиёжи туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси "То- вар белгилари шакллари. Ариза бериш ва товар бел- гисини рўйхатдан ўтказиш" мавзусида кўргазмали семи- нар ўтказди.

Семинар иштирокчилари патентчилик соҳасидаги етак- чи мутахасссларнинг маъру- заларини тинглаб, товар бел- гисини рўйхатдан ўтказишга қўйилаётган талаблар билан танишди.

"Ватан — ягона, Ватан — муқаддас"

Пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбе- кистон Миллий боғида шундай шиор остида талаба-ёшлар сайли бўлиб ўтди. Унда Тош- кент шаҳрининг кўплаб олий ўқув юртлири талаба ва устозлари, ёш эстрада хонандала- ри, шоир ва ёзувчилар қатнашди.

Тадбир "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тош- кент шаҳар Кенгаши, "Тур- кистон" газетаси ҳамда Ўзбекистон Миллий боғи маъмурияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўсиб келаётган ёшларни кўллаб-қувватлаш, улар ора- сидан иқтидорлиларини тан- лаб олиб, ҳар томонлама кўмаклашишни мақсад қилиб олган ёшлар сайли айнан пойтахтимиз марказида жой- лашган Миллий боғда ўтка-

зилгани бежиз эмас. Зеро, бу ерда турли тадбирлар ва ма- росимлар, мусобақалар, сайл- лар ўтказиш учун етарлича шароит яратилган. Кейинги йилларда боғда ёшлар учун кўплаб кўнгилочар дастурлар намоиш этиш аъёнага ай- ланиб қолган. Шу сабабли боғ пойтахтимиз аҳолиси ҳамда турли жойлардан келган меҳ- монлар билан доимо гавжум. Эндиликда ушбу сайл Миллий боғда доимий ўтказиб тури- лади.

Сертификатлар топширилди

Республика "Маънавият ва маърифат" мар- казида маънавий-маърифий соҳа ходимлари учун ташкил этилган ўқувнинг навбатдаги битирувчиларига "Маънавият тарғиботчиси" сер- тификати топширилди.

Тингловчилар ўқув даво- мида "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар", "Тарихга янги- ча муносабат", "Ҳуқуқий ма- даният асослари" каби мав- зулар бўйича билим олди. "Шаҳидлар хотираси" ёдгор-

лик мажмуи, Темурийлар та- рихи Давлат музейи, Тошкент Ислон университетиди ама- тий машғулотларда қатнаш- ди.

Шу кунгача қарийб 450 нафар тингловчига ана шун- дай сертификат топширилди.

DUSHANBA

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Куз лавҳалари».
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Туртинчи хокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Кизил ёлканлар». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.
12.50 «Сарвиноз» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 1-қисм.
13.20 «Ошин». Телесериал.

13.50 Муסיкий танаффус.
14.10 «Тиббиёт одимлари».
14.25 «Олтин дала».
Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
15.00 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
15.45 «Рангин дунё».

«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Эртақлар - яшиликка етаклар».
17.10 «Таянч нуқтаси».
17.30 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.
18.10 «Мулк».
18.25 «Дарга». Академик Х. Абдуллаев.
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».
21.05 «Устозга таъзим». Ҳужжатли ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
21.45 «Келажакка интилиб». Ҳужжатли фильм.
22.15 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили.
«Париси бор уй».
«Спорт» дастури:
22.35 1. «Спорт, спорт, спорт». 2. Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун концерт.
10.20 «Мульттомоша».
10.35 Фарзандим-жигарбандим.
10.50 Муסיкий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Доктор Финли». Телесериал.
12.20 Давр-news.
12.35 «Зирапча». Бадий фильм.

14.05 Кўҳна оҳанглар.
14.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
14.35 «Куз». Телефильм.
14.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.35 ТВ-анонс.
15.45 Спорт ҳафтаномаси.
16.00 «Озод элим-ойдин йўлим» кўрик-танлови: Сурхондарё телерадиокомпанияси тақдим этади.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» почтаси, «Биринчи ўқитувчи».
17.10 «Фантадром». Мультфильм.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
18.25 Таффақур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Менинг университети».

тим». Видеофильм. 1-қисм.
20.00 Кўҳна оҳанглар.
20.05 «Менинг университети». Видеофильм. 2-қисм.
20.35 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна даҳма сири». 6-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 43-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Спорт ва болалар».
19.45 «Оби ҳаёт» Телефильм.
19.55 Муסיкий танаффус.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Auto-news».
22.35 Кинонигоҳ. «Вельд».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Юзга бир» телеўйин.
17.00 «Евроныос» янгиликлари.
17.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
17.45 «Аралаш».
18.00 «Мени куттил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»

Телеўйин.
20.00 «Время».
20.30 «Каменская». Сериал.
21.20 «Ҳинд оҳанглари».
21.35 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.30 «В. Меладзе. иштирокидаги концерт дастури».
23.35 Кинематограф. «Ҳаёт гирдобини». Бадий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.
17.40 — «Телехамкор».
18.00 «Кўрсатувлар». Сериал.
18.55 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «9 ярд». Комедия. 21.05 «Клип-совга». Телеабрик. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Боинг»ни қўлга олиш. 23.15 «30-канал»да спорт.

SESHANBA

1

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Умидли ўсмирлар». Премьера.
9.30 «Соғлом она - соғлом бола».
9.50 ТВ клип.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Қандай ажиб бу дунё». Бадий фильм.
12.05 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.
12.50 «Меҳри куёш - устозлар!» Адабий композиция.
13.10 «Сарвиноз» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 2-қисм.

13.40 «Париси бор уй».
14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.20 «Устозга таъзим». Ҳужжатли ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
15.00 «Ит уяси». Телесериал.
15.45 «Уй бекаси».
16.05 Телевизион миниатюралар театри.
16.30 ТВ анонс.
16.35 «Буни умр дерлар».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.30 «Тафсилот».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Ўқитувчи».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингизда сўнмасин зиё». Ҳужжатли ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
21.45 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.15 «Алишер Навоий». Бадий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» почтаси: «Биринчи ўқитувчи».
9.35 Давр.
9.50 Муסיкий лаҳзалар.
10.00 «Эсмеральда». Телесериал.
10.30 «Менинг университети». Видеофильм. 1-қисм.
10.50 Муסיкий лаҳзалар.
11.00 «Менинг университети».

тим». Видеофильм. 2-қисм.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 Оддий одамлар.
12.10 «Байрамингиз муборак, азиз устозлар!»
«Муסיкий дастур».
12.30 «Устоз». Видеофильм.
12.50 Интерфутбол.
14.30 «Кичкина табиб». Бадий фильм.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳар соҳага саёҳат».
16.25 «Мульттомоша».
16.40 «Мураббий». Видеофильм. 1-қисм.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Мураббий». Видеофильм. 2-қисм.
17.35 Автопатрул.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Илдииз ва япроқ.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 «Табаррук маскан». Видеофильм.
20.15 Кўҳна оҳанглар.
20.20 Синфдош.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 «Байрамингиз муборак, азиз устозлар!»
Муסיкий дастур.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.10-00.15 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна даҳма сири». 7-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 44-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ҳозиба».
19.25 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.

19.45 «Моҳир».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Кабутар қанотлари».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Икки роля».
17.00 «Евроныос» янгиликлари.
17.15 «Машҳурлар». Лилита Озалия.
17.45 «Аралаш».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Зайф бўгин». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская». Сериал.
21.25 «Кун мавзуси».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.35 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.45 «Аншлаг».

23.30 Кинематограф. «Оддий тарих». Бадий фильм.
1.00 Ахборот (рус тилида)
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.30 — «Телехамкор». 9.25 Мультфильм. 9.45 «Бағдод ўгриси». Фильм-эртақ. 11.25 Муסיкий дастур. 11.50 «Тушингизга ҳам кирмаган». Мелодрама. 13.15 «Шаҳарча». Ҳажвий кўрсатув. 13.40 Ҳинд киноси. «Менинг тақдирим». 15.30 Муסיкий серпантин. 15.55 «Салом, мен холангизман». Комедия. 18.00 «Бриллиант қўл». Комедия. 19.30 «Ю. Антонов сизни таклиф этади». Муסיкий дастур. 20.20 «Sifat Belgisi». 20.45 «Клип-совга». Телеабрик. 21.05 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Вестсайд вальси». 22.55 Концерт.

CHORSHANBA

2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Тоғнинг гули ўзгача».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Қалб гавҳари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм.
11.35 «Баркамол авлод орзуси».
11.55 ТВ анонс.
12.05 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.
12.40 «Бу ажиб фасл». Телевизиянаҳ.

13.00 «Муסיкий учрашувлар».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан». Нукуснинг 70 йиллигига.
14.35 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
15.05 Кундузги сеанс: «Бу ранг-баранг олам». Бадий фильм.
16.10 «Ягона оилада».
16.40 «Таянч нуқтаси».

«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ёзувчилар - болаларга». 2. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз».
18.10 «Куйла, ёшлигим».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.50 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Инсон манфаати».
22.10 Осие ўйинлари кундалиги.
22.25 «Келин-куёв». Телешоу.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳар соҳага саёҳат».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Давр-интервью.
10.15 Муסיкий лаҳзалар.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Бизнес-академия.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Доктор Финли». Телесериал.

13.15 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
13.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.35 «Озод элим-ойдин йўлим» кўрик-танлови: Сурхондарё телерадиокомпанияси тақдим этади.
15.05 Автопатрул.
15.25 «Муҳаббат ҳаёт демақдир». Бадий фильм. 1-қисм.
16.50 ТВ-анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.25 Таянч.
17.50 Ватан манзаралари.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Кўҳна оҳанглар.
20.15 Очил дастурхон.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна даҳма сири». 8-қисм (яқунловчи)
17.45, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 45-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Муסיкий меҳмонхона».
19.30 «Ҳимоя».
19.40 «Radius-XXI».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Мушоҳада».

22.45 Кинонигоҳ. «Бинго-бонго».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Юзга бир».
17.00 «Евроныос» янгиликлари.
17.15 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
17.45 «Аралаш».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 Рус рулеткаси. Шоу ўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская». Сериал.
21.20 «Бугунги Япония».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.35 «Ҳужжатли детектив».
23.00 Кинематограф. «Иккинчи Бетховен». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)

00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Унта негр боласи». Телесериал. 13.25 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «Кўрсатувлар». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Тап-тортмас тавақалчилар». 21.05 «Клип-совга». Телеабрик. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Мени асраётга ўша». 23.15 «Уйғониш».

PAYSHANBA

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёзувчилар-болаларга». 2. «Кичкинтоймиз».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Ганг дарёсининг қизи». Бадий фильм.
11.30 «Фанимиз истиқболлари».
11.50 Муסיкий танаффус.
12.05 «Йўл бошида».
12.25 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
12.45 «Шийпондаги

учрашувлар».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 Осие ўйинлари кундалиги.
14.25 «Унутмас мени боғим».
14.45 Кундузги сеанс: «Оролчадаги саргузаштлар». Бадий фильм.
15.50 «Чегарачи».
16.10 «Ўзбекистон бастакорлари».
16.30 «Оламини асранг!»
«Болалар сайёраси»:
16.50 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Беш бармоқ».

17.50 «Ривож».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемуллоҳот: Яна

реклама хусусида.
21.45 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
22.05 «Уларнинг дарди бизнинг ҳам дардимиз». Видеофильм. Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг гиёҳвандлик ва СПИДни олдини олишга қаратилган қўшма лойиҳасига доир.
22.50 Осие ўйинлари кундалиги.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25 «Қизлар давраси».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Таянч.
10.15 Муסיкий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Спорт қитъаси (рус тилида)
11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.45 «Доктор Финли». Телесериал.

12.35 Ёшлар овози.
12.55 Интерфутбол.
13.35 Кўҳна оҳанглар.
14.45 Сийрат.
15.05 «Муҳаббат ҳаёт демақдир». Бадий фильм. 2-қисм.
16.30 Илдииз ва япроқ.
17.00 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Савол беринг-жавоб берамиз», болалар учун концерт.
17.50 Мультфильм.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом

наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Бегойим.
20.25 Севги тароналари.
20.45, 21.20, 22.35
Эълонлар
20.50 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.25 Жараён.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат
қажваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканали-
да спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканал**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Кузги тошлар
жилоси», «Эрмитаж
ойналари». Хужжатли
фильмлар.
17.40, 19.05, 22.00
«Экспресс» телегазетаси.

18.00 «Болажонлар
экрани». «Шарки ва
Жорж». 46-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20
«Пойтахт». Ахборот
дастури.
18.50 «Навнихол».
19.25 «Ёшлар худуди».
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал:
«Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Тонгнинг
илк шуъласи».

00.15-00.20 «Хайрли тун,
шаҳрим!»
**«Халқаро»
телеканал**
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Кулгу хонаси».
17.00 «Евроњњњњ» янгилик-
лари.
17.15 «Биз аноий эмас-
миз». Ҳажвий кўрсатув.
17.45 «Аралаш».
18.00 «Оилавий ришталар».
Сериал.

19.00 «Заиф бўгин». Шоу
ўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская».
Сериал.
21.25 «Соқкер клуб».
21.40 «Муҳаббат даври».
Сериал.
22.35 Ишбилармон
кишилар.
22.55 FCN Ўзбекистон
янгиликлари (инглиз
тилида)
23.05 Кинематограф. «Ой
нури» агентлиги. Бадий
фильм.

00.45 «Ахборот» (рус
тилида)
1.20 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.35 —
«Телехамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15 «Па-
уэр Рейнджерс ёки кучли
рейджерлар» Сериал.
10.40 «Яхши кайфият».
11.10 «Сирларимиз ёзи».
Сериал. 12.00 «Унта негр
боласи». 2-серия. 13.25
«Яго, зулмат эҳтироси».

Телесериал. 15.00 Кун-
дузги киносеанс: «Маг-
даленанинг сокин эҳти-
рослари». Сериал. 13.50
«30-да спорт». 16.50
«Шоу соати». 18.00
«Кўрсичқон-2». 1-серия.
18.55 «Ошиқона». Муси-
қий дастур. 19.10 «30-
канал» кинооқшоми:
«Кайтиш манзилсиз».
21.20 «Хайрли тун, кин-
кентойлар!». 21.30 «30-
канал» кинооқшоми: «Му-
ҳиш чакнаш». 23.15
«Сирларимиз». Сериал.

JUMA

4

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом, Ўзбеки-
стон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
**«Болалар
сайёраси»:**
9.00 1 «Болалиқнинг
мовий осмони». 2.
«Беш бармоқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар
10.05 «Урмон китоби».
Бадий фильм.
11.55, 15.50 ТВ анонс.
12.05 «Ўзбекистон: XXI
аср ёшлари».
12.25 Т. Минуллин.
«Алмандар уйланди».
Муқимий
12.55 «Зиё» студияси
намоийш этади:
«Этиқод мустақамлиги
йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
14.10 Осие ўйинлари

кундалиги.
14.25 Т. Минуллин.
«Алмандар уйланди».
Муқимий номидаги Ўзбек
Давлат мусиқий театри-
нинг спектакли. 2-қисм.
15.00 «Талабалик йилла-
рим».
15.20 Эстрада таронала-
ри.
15.55 «Уларнинг дарди
бизнинг ҳам дардимиз».
Видеофильм.
16.40 «Орулар қанотида».
**«Болалар
сайёраси»:**
16.55 1. «Ўйла, Изла,
Топ!» Телемусобақа. 2.
«Табиат алифбоси».
18.10 «Сихат-саломатлик».
18.30 «Олтин мерос».
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси
намоийш этади:
«Этиқод мустақамлиги
йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Куз таровати».
Кинокомпозиция.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сибсат оламида».
21.25 «Ўзбекистон»
каналида илк маротаба:
«Ошин». Телесериал
премьераси.
21.55 «Кўшигимиз сизга
армуғон».
22.35 «Истиқлол неъмат-
лари».
22.50 Осие ўйинлари
кундалиги.
23.05 «Ахборот - дай-
жест».
23.25-23.30 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студия-
си: «Савол
беринг-жавоб берамиз».
болалар учун концерт.
9.35 «Филча ва мактуб».
Мультифильм.
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.40 Бегойим.

11.00 «Кусто командаси-
нинг сув ости саргузаш-
тлари». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Доктор Финли».
Телесериал.
13.00 Кўхна оҳанглар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 «Табаррук маскан».
Видеофильм.
15.10 ТВ-анонс.
15.15 Болалар экрани:
«Мис тоғ бекаси».
16.35 Кўрсатувлар
дастури.
16.40 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
17.00 Дунё ажойиботлари.
17.20 Автосалтанат.
17.35 Қарияларни
қадрлаш йили «Қадрият».
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Хуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.55 «Давр» нигоҳи.
20.15 Жар ёқасида.
20.30 «Ер ишқи». Мусиқий
дастур.
20.50, 21.25, 22.35
Эълонлар

20.55 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қажваси».
Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телекана-
лида спорт: Ринг
кироллари.
00.05 Давр.
00.20 «Ҳақиқат чегараси».
Сериал.
00.45-00.50 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Сувости дунёсининг
таронаси». «Тунги
Эрмитаж». Хужжатли
фильмлар.
17.40, 19.15, 21.45
«Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар
экрани». «Шарки ва
Жорж». 47-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05
«Пойтахт». Ахборот
дастури.
18.50 «Қамолот фасли».
19.35 «Саодат калити».
20.30 ТТВда сериал:
«Азизим Изабелла».
21.30 «Саломатлик

маскани».
22.30 «Кинонигоҳ».
«Вулқон».
00.05-00.10 «Хайрли тун,
шаҳрим!»
**«Халқаро»
телеканал**
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Форт Боярд».
17.00 «Евроњњњњ» янгилик-
лари.
17.15 «Инсон ва қонун».
17.45 «Аралаш».
18.00 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.50 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.40 А. Пугачёва, Р.
Паулс, Л. Вайкуле, Ф.
Киркоров. Юрмаладаги
«Янги тўлқин» фестивали-
да. 2-қисм.
22.25 FCN Ўзбекистон
янгиликлари (инглиз
тилида)
22.35 «Дурдаршан».
23.00 Кинонинг олтин
асри: «Нозик ниҳол
маликам». Бадий
фильм. 1-қисм.
00.40 «Ахборот» (рус

тилида)
1.15 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.45 —
«Телехамкор». 9.30,
14.10 — Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс
ёки кучли рейджерлар».
Сериал. 10.40 «Сухбат-
дош». Дам олиш дасту-
ри. 11.10 «Сирларимиз
ёзи». Телесериал. 12.00
«Юнона ва Авос». Му-
сиқий фильм. 13.25 «Яго,
зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Кундузги
кинозал: «Магдаленанинг
сокин эҳтирослари». Се-
риал. 15.50 «30-да
спорт». 17.00 Шоу со-
ати. 18.00 «Кўрсичқон 2».
Сериал. 18.55 «Ошиқона».
мусиқий дастур.
19.10 «30-канал»да ринг
кироллари. 20.00 Елена
Степаненко шоуси. 21.00
«Хайрли тун, кичкентой-
лар!». 21.05 «Клип-со-
ва». Телетабрик. 21.20
«Хайрли тун, кичкентой-
лар!». 21.30 «30-канал»
кинооқшоми: «Заминдан
ташқари». 23.15 «Улгу-
ча севиш». Триллер.

SHANBA

5

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом, Ўзбеки-
стон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
**«Болалар
сайёраси»:**
9.00 1. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа. 2.
«Табиат алифбоси».
10.00 «Зиё» студияси
намоийш этади:
«Этиқод мустақамлиги
йўлида».
10.20 «Робин Гуд».
Мультифильм.
11.40 «Кўшигимиз сизга
армуғон».
12.20 «Сибсат оламида».
12.40 ТВ-1 кинотеатри:
«Хос соқчи». Бадий
фильм. 1-қисм.
13.40 «Нафосат гулшани».
14.00 «Маърифат».
Телеальманах.
14.20 Осие ўйинлари
кундалиги.
14.35 «Хос соқчи». Бадий
фильм. 2-қисм.

«Адабий жараён».
15.35 1. «Ёзувчи ва замон».
2. «Шеър ва шуур». 3.
«Мутлола».
16.15 «Ягона оилада».
16.45 Болалар учун.
«Фламинго».
17.05 «Бахтимизга омон
бўлинг».
17.25 «Рангин дунё».
17.40 «Бу ажиб фасл».
Телеальманах.
**«Болалар
сайёраси»:**
18.00 «Муъжизалар
майдончаси». Телешоу.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Интилганга толе
ёр».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала».
Пахтакорлар учун дам
олиш дастури.

21.40 «Осори-атиқалари-
миз».
22.00 Осие ўйинлари
кундалиги.
**«Тунги ёғду. Дам олиш
дастури»:**
22.15 «Ўзбекистон»
каналида илк маротаба.
«Шерлок Холмс ва доктор
Ватсоннинг саргузаштла-
ри». 3-фильм. 1-қисм.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсол-
лари.
**«Ёшлар»
телеканал**
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студия-
си: «У ким? Бу нима?»
9.20 «Заргардоқ». Мульти-
фильм.
9.40 Таботат оламида.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 «Давр» нигоҳи.
11.25 «Ёшлар» телеканали-
да спорт: Ринг киролла-
ри.
12.25 Вилот ёш хонанд-
лари куйлайди.
12.45 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий фильм 6,
7 қисмлар.

14.15 Дунё ажойиботлари.
14.35 «Ёшлар» телеканали-
да спорт: Теннис.
15.15 «Озод юрт фарзанд-
лари». Видеофильм.
15.30 «Экспедиция».
Хужжатли сериал.
16.20 Кўхна оҳанглар.
16.35 «Рамаёна». Телесери-
ал.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод»
студияси: «Бўш ўтирма».
17.35 Кўшқулоқ.
17.50 Футбол плюс.
18.10 Саломатлик сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.50 «Давр»-репортаж.
20.00 Бизнес-академия.
20.15 Ёшлик наволари.
20.30 Кутулмаган меҳмон.
20.50, 21.40, 22.35
Эълонлар
20.55 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий фильм. 8-
қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.55 «Учинчи киролик».
Бадий фильм. 4-қисм.
00.20-00.25 Хайрли тун!

**«Тошкент»
телеканал**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультичархпалак».
17.40 «Жаҳон география-
си».
18.10, 19.40, 22.00
«Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Пойтахт». Шанба-
дан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш:
қадам-бақадам».
20.00 «Табриклаймиз-
қутлаймиз».
20.40 «Тошкент ва
тошкентликлар».
21.00 «Пойтахт». Шанба-
дан-шанбагача.
21.20 «Хамшаҳарлар».
21.45 «Мисли гавхар».
22.20 Кинонигоҳ. «Янги
шеригим».
23.50-23.55 «Хайрли тун,
шаҳрим!»
**«Халқаро»
телеканал**
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 «Лаззат».
9.30 «Табриатунос билан
саёҳат».

10.00 Е. Петросянининг
«Кулгу панорамаси».
10.40 «СН янгиликлари».
10.50 «Мультисеанс».
11.10 «Экран зийнати ва
криймати».
11.35 «Кўнги-кўнгила
пайванд».
12.10-13.30 Дўстлик
видеоканал: «Немис
шарқи», «Ўзбекистон-
умумий ўйимиз».
«Чинсен», «Корейс тилини
ўрганамиз».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Дисней клуб».
16.50 «Бинафша».
17.05 «Ассалом, Франция!»
17.20 «Ҳазил кетидан
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
Телешоу.
19.00 «Сўнгги қаҳрамон-2».
1-қисм. «Қатъий талаб».
20.00 «Время».
20.30 «Сўнгги қаҳрамон-2».
2-қисм. «Қатъий талаб».
21.30 «Нима? Қаерда?
Қачон?»
**Тунги канал: «Хали кеч
эмас».**
22.40 «Шлягер».
22.55 «Моданинг гўзал
дунёси».
23.10 «Хит-парад».
23.25 «Яшаш воситаси».
23.40 «Муз зона».
23.55 «Юлдуз билан тунги
учрашув».

00.05 «Тунги наватчи-
лик».
00.20 «Икки ёқлама
зарба».
00.35 «Эсплайсизми».
00.45 «Ахборот» (рус
тилида)
01.10 Киносеанс: «Тунги
меҳмонлар». Бадий
фильм.
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.35 —
«Телехамкор». 9.30
«Сув париси». Мультсе-
риал. 10.00 Болалар
учун фильм. 11.30 «Фи-
лимонов ва компания».
Юмор дастури. 12.00
Оилавий кино. «Эд».
13.40 Хужжатли фильм.
Телешоу.
14.30 Хинд киноси: «Му-
ҳаббат кучи». 17.00 «Ўз
ўйини». Телешоу. 18.10
«30-канал» кинооқшоми:
«Яширинча таҳдид».
19.45 «Ошиқона». Муси-
қий дастур. 20.00 «Восоч-
ка». Сериал. 20.20 «Sifat
Belgisi». 20.30 «Клип-со-
ва». Телетабрик. 21.05
«Қасбга доир хужжатлар».
Детектив сериал. 22.00
«30-канал» кинооқшоми:
«Киллерга буюрма би-
лан». 23.30 Мусиқий да-
стур. 0.15 Мусиқий дастур.

Yakshanba

6

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом, Ўзбеки-
стон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар
учун кинодастур.
9.10 «Гаройибот».
9.30 Ака-ука Гримм
эртақлари». Мульти-
фильм.
10.00 «Ватанимга хизмат
қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Кўхна замин
оҳанглари».
11.40 «Кизил гул».
Мультифильм.
12.20 «Муъжизалар
майдончаси». Телешоу.
13.20 ТВ-1 кинотеатри:
«Сени севдим». Бадий
фильм. 1-қисм.
14.45 «Қалб гавҳари».
15.05 ТВ-1 кинотеатри:
«Сени севдим». Бадий

фильм. 2-қисм.
16.35 «Аския».
**«Болалар
сайёраси»:**
16.55 1. «Улғайиш
погоналари». 2. «Олтин
тож». Телевизион ўйин.
17.55 Мусиқий танаффус.
18.05 «Умр мазмуни».
18.25 «Талабалик йилла-
рим».
18.45 «Оқ олтин». Телело-
терея.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10
Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз
билан бирга».
21.40 «Оталар сўзи -
ақлнинг кўзи».
22.40 Осие ўйинлари
кундалиги.

**«Якшанба
кинозалли»:**
22.55 «Кинотеатр».
23.15 «Ўзбекистон»
каналида илк маротаба.
«Шерлок Холмс ва
доктор Ватсоннинг
саргузаштлари». 3-
фильм. 2-қисм. Бадий
фильм.
00.25-00.30 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: «Ким эпчил-у,
ким чаққон?», «Уй
вазифаси».
9.45 Футбол плюс.
10.05 «Давр»-репортаж.
10.15 Очил дастурхон.
10.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 «Заковат» интеллекту-
ал ўйини.
11.35 Болалар экрани:
«Урмон эртақлари».
12.05 Аскар мактублари.
12.25 Нокаут.

12.50 Чемпион сирлари.
13.10 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий фильм. 8-
қисм.
13.55 Кўхна оҳанглар.
14.10 Қишлоқдаги
тенгдошим.
14.30 Спорт ҳафтанома-
си.
14.45 «Экспедиция».
Хужжатли сериал.
15.35 Синфдош.
16.05 «Рамаёна». Телесе-
риал.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод»
студияси: «Катта
танаффус».
17.10 «Мультимоша».
17.25 Очун.
17.50 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ-анонс.
19.20, 20.55, 22.30
Эълонлар
19.25 «Кумуш тойчоқ».
Бадий фильм.
21.00 Муҳаббат кўшиқлари.
21.20 Зинама-зина.

21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичиди.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Учинчи киролик».
Бадий фильм. 5-қисм.
00.15- 00.20 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканал**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сехри олами».
19.00, 20.30, 21.45
«Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон география-
си».
19.50 «Табриклаймиз-
қутлаймиз».
20.50 «Телефакт».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «Ташриф».
22.05 «Спорт-клуб».
22.30 Кинонигоҳ. «Ижарага
олинган бола».
00.00-00.05 «Хайрли тун,
шаҳрим!»
**«Халқаро»
телеканал**
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда
ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Хамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Инфор-
мацион-дам олиш
дастури.
11.05 «FCN». Ўзбекистон
янгиликлари (Инглиз
тилида)
11.15 «Мультисеанс».
11.35 «Инглиз тили Сиз
учун».
12.00 «Парле ву франсе?»
12.25 «Хусусийлаштириш:
қадам-бақадам».
12.45-13.45 «Дўстлик»
видеоканал: «Рангика-
мон», «Дидар», «Айнурек».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультисеанс».
17.25 «Мюзик-холл».
18.05 «КВН-2002». Ёзги
кубок.
20.25 «Британия кундалиги:
Чивнинг таржибаси».
20.45 «Т. Полонская билан
бирга».
21.10 «Мусиқий серпантин».
21.55 «Тенгдошлар».
22.25 «Олтин микрофон».
22.55 Кинематограф.

«Ноҳушлиқлар макони».
Бадий фильм.
00.20 «Тахлилнома».
00.55 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 11.30, 17.45,
20.45 «Телехамкор». 9.30
«Сув париси». Мельтсе-
риал. 10.00 Фильм - болалар-
га. 12.00 Оилавий кино.
«XX аср хароқчилари».
13.40 «Дискавери соати».
14.30 Кундузги кинозал.
«Илохий Кунг-Фу». 16.10
«Аёл нигоҳи». 16.40 «Яши-
рин камера билан». Ҳаж-
вий дастур. 17.00 «Ўз ўйи-
ни». Телешоу. 18.10 «30-
канал» кинооқшоми: «Ақ-
ли ўз бўйига олади». 19.45
«Ошиқона». Мусиқий да-
стур. 20.00 «Бизда ҳамма
уйда». Ҳажвий сериал.
21.30 «Клип-сова». Телесериал.
21.05 «Қасбга доир
хужжатлар». Детектив-се-
риал. 22.00 «30-канал»да
якшанба кинооқшоми.
«Пукта қўлынган қуршов».
00.30 Спорт шарҳи.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

Ўртачирчиқ туманидаги Бешбой қишлоғида бир момо яшайди. Оллоҳнинг берган бахти тўқис бўлсин деб ота-онаси Иноятхон қўйган исмини. Иноятли бўлди, қўйни-қўнжи давлатга, эаги болаларга тўлди! Умр йўлларида йўлдош бўлган азиз, табаррук инсон Мадмин бува билан 56 йил бирга турмуш қуришди. 5 ўғил, 5 келинли, 16 неварали, 2 чеварали бўлди. Ўғли бор деса, кўкрак кериб юргудек ўғиллар кўрди, бири ойга, бири қуёшга ўхшайдиган, данагидан мағзи ширин невараларни қўлидан тутиб юрибди бу табаррук момо!

Ўғилларининг, невараларининг бешигини тебратиб алла айтади, айтганда ҳам кўшиқ қилиб айтади:

Алла айтай жоним болам,
Ором олиб ухлагин.
Бешикдаги юлдузгинам
Эл-юртингни йўқлагин,
Алла-ё, болам алла-ё.
Кичкина чорвоқ ичида
Айланар бошим маним,
Сен юрган йўлларингда
Тўқилар ёшим маним.
Сени юрган йўлларингни
Супурай сочим билан.
Чанги чиқса сув сепайин
Кўздаги ёшим билан,
Ширин болам алла-ё
Тезроқ ухла алла-ё.

Бундан уч-тўрт ой бурун туманда «Ибратли қайнона» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қатнашган Иноят момо алла, ибратли ҳикоятлар ва халқ кўшиқларини айтиб ҳаммани ҳайрон қолдирди. Мен ундан айтганларини яна бир қайтаринг деб қистайман. У эса ийманиб сўз бошлайди, сўнг эса булоқнинг кўзи очилиб кетади...

Қадим замонда бир уйда бўйи етган қиз бор экан. Унинг уйига бир куни гадо келибди. Қиз билан гадонинг ўртасида айтишув бошланибди:

— Эшикка келди бир гадо,
Ҳасса таянди, «эх» деди.
— Уйнинг эгаси йўқ эди,
Кетаверинг жоним бобо.
— Уйнинг эгаси бўлмади
Товоқда доллар йўғиди.
— Товоқда доллар йўқ эди
Кетаверинг жоним бобо.
Отажоним феъли ёмон,
Келадилар ҳали замон.
Сизни урар, мени сўқар
Кетаверинг жоним бобо.

Иноят момо саранжом-сарихтали, тозаликни, гулни, ширинсўзликни ёқтиради. Жоним деб жонингизни олади, айланай деб кўнглингизга меҳр солади, ўргилай деб ортингиздан дуо айтиб қолади. Ўғиллари Ёқубжонни ёруғим деб, Собиржонни сабрим деб, Муроджонни муродим, Фахриддинни фахрим деб, кенжаси Дилшоджон-

га ёш олиб, онасини йиғи қилиб, эслар момо гоҳи-гоҳи...

Қабристонда бир туп буғдой
Селкиллайди дони йўқ.
Хабар олай деса менам
Танасида жони йўқ.
Меҳрибоним онажоним,
Ўзи кетди буйиққа,
Мени қўйди қуйиққа,
Ўлганимча йиғлайман
Меҳрибон онажоним.

Моможон, ҳикмат айтинг дейман, ҳеч кимга айтилмаганидан, ҳеч ким эшитмаганидан. Айтаверадим, айтаверадим, тинглаб ўтириб сел бўласиз, ўйланасиз.

ИНОЯТ МОМОНИНГ КЎШИҚЛАРИ



— Кошки отанг келса эди,
Қора қўйни сўйса эди,
Сени менга берса эди.
Мен сени сўйди қоракўз,
Чаккангда бордир бўтакўз.
— Кўп алжираманг,
Кўп сўзламанг
Кетаверинг жоним бобо.

ни дилим дейди эркалаб. Келинларини йўриғига солган, билмаганини билдириб, ўрганмаганини ўргатиб «она қизим» дейди Хатира-ю Дилоромни, Комила-ю Маҳбубани, кенжа келин Холидани.

Болалари «онам» деб атрофида парвона бўлганида, кўзлари-

«Хом чоригингни қуритма,
Кўрган қушиг унутма».
«Яхши ўғил сени элга
севдиради,
Ёмон ўғил туққанингдан
бездиради».
«Элда бўлса бир кун
сени тўйдиради,
Элдан чиқсанг армон
сени куйдиради».

Момо бир хазина. Ақл сандиғида бундай гаплар жуда кўп. Фақат бир одатлари бор, келган-кетганларнинг ҳаммасига ҳам сандиғини очавермайди. Бахшиёна гапларини тинглаб туриб, шундай оналар бор ҳовлидан ҳеч қачон тотувлик, барака ва одоб кетмаслиғига ишонасиз. 76 ёшга кирган момо кўзларини ўйчан тутиб халқ кўшиқларини хиргойи қилади:

Кўш ҳайдаган ерларни
беш ҳайдаган,
Дўпписини қозон қилиб
ош дамлаган,
Чоригини чойдиш қилиб
чай дамлаган,
Ҳайда, ҳайда, ҳайда-ё...

Иноят момонинг кўшиқлари фарзандларига ўтмоқда, шундан айтади-да: кўшиқларнинг умри узун бўлади!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

МАШЪУМ КУНЛАР ХОТИРЛАНДИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейида «Қатағон қурбонлари хотираси - ҳақиқат ва адолатнинг тантанаси» мавзuida анжуман ўтказилди.

Анжуманда пойтахт жамоатчилик вакиллари, мактаблар ўқувчилари иштирок этишди. Музейдан ўрин олган халқимизнинг тарихига оид кўргазмалар анжуман иштирокчилари қалбида чуқур из қолдирди. Кўргазмалар кейинги икки аср мобайнида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинишидан бошлаб, кулоқлаштириш, 1936-37 йиллардаги қатағонлар, «Пахта иши» деб номланган машъум кунлар ҳақида ҳикоя қилади. Кўқон мухторияти, унинг ваҳшийларча маҳв этилиши, «босмачилик» деб номланган, аслида миллий-озодлик учун олиб борилган курашлар ифода этилган экспонатлар тарихимизнинг ўша даврларини тўла очиб беради. Шунингдек, музейда иккинчи жаҳон уруши даври, ўша йилларда бир қанча миллат ва элатларнинг ватанларидан қувгин қилиниши, уларнинг Ўзбекистондан макон топишлари ҳақидаги ҳужжатлар ўрин олганки, улар томошабинни ўйга толдиради, ўша кунлар даҳшатларини кўз ўнгида гавдалантиради.

«Туркистон-пресс».

ХУРМАЧА ҚИЛИК

Луқма

Улуғбек кўргони ҳамда Тошкент шаҳрининг Бўз бозори мавзеси ораллиғида қатновчи 101-автобусда Қибрайдан қайтаёғимиз. Сўнгги бекатга келганда, ҳайдовчи негадир бекатдан ҳамаси эзлик метрча нари ўтиб тўхтади. Эшиклар очилиб, йўловчилар тушиб кетишди. Шу пайт 15 нафар бир хил кийимдаги қизлар югургилаб келиб, автобусга чиқа бошлашди. Ҳайдовчи қизлар томонга қараб:

— Гаражга кетаман, чиқмаларинг!
— деб бақирди.

Бу гапни эшитган бошқа йўловчиларнинг ҳам ҳафсалалари пир бўлаётган эди, ҳайдовчи эшик олдида турган бир аёлга охиштагина:

— Опа, сизлар чиқаверинглар. Анавиларнинг ҳаммаси студент, барида проездевой. Одамнинг жонига тегиб кетди булар... — деб қўйди. Шундай деди-да, 5-автобус саройига қарашли давлат рақами 11 АН 356 бўлган автобус ҳайдовчиси пинагини ҳам бузмай тураверди. Гуё ҳаммаси рисоладагидек.

Кўча-кўйда юрган киши бундай воқеаларга кўп дуч келади. Яна бир мисол. Тошкент халқа йўлини ёнлаб келувчи 69-, 94-автобус ҳайдовчилари Алгоритм мавзёидаги талабалар тўпланган бекатларни кўриб кўрмасликка оладилар ва тўхтамай ўтиб кетаверадилар. Нима, талабанинг йўл чиптаси ўтмайдики ёки давлат томонидан жорий этилган бу имтиёзларни ҳайдовчилар назарга олишмайди?

Равшан БЕК.

"MIGA-PULS" ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИ

КҲЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАЙДИ ВА ДАВОЛАЙДИ:

- Юрак-қон томир мажмуи касалликлари.
- Асаб касалликлари.
- Ошқозон-ичак касалликлари (жигар, ўт қопи, ошқозон ости беши).
- Қанди диабет.
- Бронхит. Упка зотилжамми.
- Буйрак касалликларидан - пиелонефрит, цистит, гломерулонефрит.
- Дизбактериоз ҳамда ямблтиоз касалликлари.

ШИФОХОНАДА КУНДУЗИ СТАЦИОНАР ҲАМ МАВЖУД. Беморлар учун юқридаги кўрсатилган касалликлар бўйича шифокорлар маслаҳат ҳам беришади.

Клиникамизда кўйидаги диагностика муолажалар ҳам мавжуд:

- УЗД (Ультратовушли текширув)
- ЭХОЭГ (Эхоцелофалография)
- РЭГ (Резонансфалография)
- ЭКГ (Электркардиограмма)
- ЭХО кардиография
- Клиник ва биохимия лаборатория текширувлари.
- Дуоденал зондлаш.
- Массаж (уқалаш).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 52-уй.



Клиникамиз маълумотхонаси кечаю-кундуз ишлайди.

79-29-25.
Кундузи:
79-37-64,
79-72-49.

Беморлар учун бизга барча қўлайликлар яратилган.

БЎШ ТУРГАНДАН КЎРА...

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида фойдаланилмай бўш ётган биноларни тадбиркорларга, яқна тартибда меҳнат билан шуғулланиш истагида бўлган халқ хунармандларига ижарага бериш тобора кенгайиб бораёпти.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам бу соҳада яхши натижага эришилди. Шу давр учун белгиланган топшириқлар тўла ва оширилиб бажарилгани ҳолда аксарият туманлар унинг уддасидан чиқмади. Акс ҳолда маблағ янада кўпроқ тушган бўларди.

ХУРМАТАН ИШБАЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали

Сиз азизларни 2002 йил 30 октябрь ва 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 10.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога кўйидагилар қўйилади:
1. Юқоричирчиқ тумани, «Йиқ ота» ширкат хўжалиги худудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлган 6 та ер майдони.

Хар бирининг бошланғич баҳоси — 23200 сўм.
Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижасида бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.


Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва ДСИ томонидан хатланган мулк учун баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiyashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



ВАЗИРНИНГ ЎЗИ БОШ БЎЛАДИ

Ҳиндистоннинг Гандинагар шаҳрида жойлашган машхур Сваминараян мажмуига террорчилар ҳужум уюштирди. «Стар нюз» телеканали берган хабарга кўра, кўпурвчилик ҳаракати натижасида 50 га яқин киши ҳалок бўлган ва 100 дан ортиқ одам жароҳат олган. Ҳиндистон бош вазирининг таъкидлашича, террорчиларни зарарсизлантириш бўйича амалга ошириладиган операцияга ички ишлар вазирининг шахсан ўзи бош бўлади.

ТАЖОВУЗ ҚУРБОНЛАРИ

Покистоннинг жанубида насроний кўнгилчилар ташкилоти жойлашган бинога номаълум жиноятчилар томондан уюштирилган тажовуз оқибатида олти киши ҳалок бўлган ва бир неча одам яраланган. Маҳаллий полиция жиноятчиларни аниқлаш ишларини бошлаб юборди.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

Ливан жанубида «Хизбуллоҳ» ташкилоти билан «Амал» ҳаракати гуруҳи аъзолари ўртасида қуролли тўқнашув юз берди. Натижада 14 киши ҳалок бўлди. Можаро келиб чиқишига кўчада тарғибот варақаларини қандай жойлаштириш ҳақидаги баҳс сабаб бўлган.

АҚШ МАҲСУЛОТЛАРИ КУБАДА

Кубага нисбатан қўлланилиб келинаётган қирқ йиллик иқтисодий қамал мобайнида биринчи марта Гаванада Америка маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Унда 33та штатда ишлаб чиқарилган товарлар намойиш қилинмоқда.



СЕВИМЛИ ҚАҲРАМОН

Бадий ижод муаллифларининг энг сеvimли қаҳрамонларидан бири Наполеон ҳисобланади. У ҳақида 10 мингтадан ортиқ катта-кичик китоблар ёзилган.

НЕПАЛ ИСЁНЧИЛАРИ ФАОЛЛАШМОҚДА

Кейинги пайтларда Непалда вазият анча кескинлашди. Ҳукумат кўшинлари мамлакатда ноқонуний фаолият кўрсатаётган маочи исёнчиларни тугатиш бўйича йирик ҳарбий операцияларни амалга оширмоқда. Непал мудофаа вазирлигидан маълум қилинишича, яқинда ана шундай жангларда исёнчилардан 126 нафари йўқ қилинган. Ноябрь ойида Непалда парламент сайловлари бўлиб ўтади. Мамлакатда фавқулодда ҳолатнинг бекор қилиниши ҳам ушбу сиёсий тадбир билан боғлиқ. Ҳозир мамлакат аҳли ана шу тадбирга катта тайёргарлик кўрмоқда. Маочиларнинг нияти эса ҳар қандай йўл билан бўлсада, сайловга ҳалал бериш. Бошда исёнчилар ҳукуматга ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги таклифни илгари сурганди. Бироқ ҳукумат бу таклифга рад жавобини берди. Чунки маочилар шу йўл билан вақтдан утиб, куч тўплаб олиши мумкин.



Стокгольмнинг кўча кўчалари.

БМТнинг НАВБАТДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

БМТ Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлисида Яқин Шарқ муаммоси бўйича янги резолюция қабул қилинди. Унга кўра Исроил ҳукумати Фаластин шаҳарларидан ўз кўшинларини олиб чиқиши керак. Аниқроғи, ҳужжатда Рамаллоҳ шаҳрини қамал қилиш бекор қилиниши кун тартибига қўйилган.

Шу пайтгача жаҳон жамоатчилигининг диққат маркази Фаластин раҳбари Ёсир Арафот қароргоҳига қаратилган эди. Бу ҳудуд Исроил кўшинлари қуршовида турибди. Резолюцияда айнан шу муаммо қайд этилмаган эсада, сиёсатчиларнинг фикрича, уни қабул қилишдан мақсад Арафотни қамалдан чиқаришдир.

14 соат давом этган мунозаралар натижаси бўлган мазкур ҳужжат фаластинликлар томонидан катта ютуқ сифатида эътироф этилмоқда. Резолюция аввал тўрт кўринишда кенгашга тақдим этилган эди. Энг мақбули қаршиликларга қарамай қабул қилинди.

Бироқ резолюция исроилликларга маъқул тушмаяпти. Уларнинг айтишича, мазкур ҳужжатда Исроил манфаатлари ҳисобга олинмаган. Резолюция тарозининг икки палласини бирдек босмайди, дейди исроиллик расмий вакиллар. Исроил радиосининг хабар беришича, Рамаллоҳ шаҳри ва Фазо минтақасида яқин кунларда тинчлик қарор топишига умид йўқ. Тўқнашулар давом этмоқда.

Шу кунларда Исроил хавф-

сизлик кучлари Фаластин ҳудудида жангарилар ва хуфёна портловчи моддалар ясаш билан шуғулланувчи гуруҳларни қўлга олиш ниятида рейдлар уюштиришни давом эттирмоқда. Ҳозирга қадар ушбу ҳарбий тадбирлар натижасида ўттизга яқин фаластинлик жароҳатлангани аниқланди.

Шарҳловчилар фикрича, резолюциянинг нечоғли муваффақият қозонишини олдиндан айтиш қийин. Шунга қарамай, айрим давлатлар ҳужжат юзасидан ўз муносабатини билдирмоқда. Масалан, АҚШ резолюцияга ўзгартириш киритишни сўради. Расмий Вашингтон резолюцияда фаластинлик жангарилар номи кўрсатилиши ва уларга нисбатан чоралар кўриш лозимлигини таъкидламоқда. Франция президенти Жак Ширак эса исроилликлардан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни илтимос қилди. Арафотнинг қамалдан чиқишига Рим Папаси Иоанн II ҳам хайрихоҳлик билдирмоқда. У яқинда Исроил бош вазир Ариел Шаронга ушбу масала юзасидан мурожаат қилди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

УЧРАШУВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Ёсир Арафот қароргоҳи атрофидаги вазиятнинг муҳокама қилишни мўлжаллаган Фаластин-Исроил учрашуви бекор қилинди. Кунни кеча Исроил аскарларининг Фазо минтақасига бостириб кириши натижасида 10 киши ҳалок бўлган эди. Фаластин ваҳили Сойиб Арикат сўзларига қараганда, бу учрашув ушбу воқеа туфайли бекор қилинган.

Турфа олам

ЎН МИНГ ТУРДАН ОРТИҚ ЭКАН

Инсоният қадим замонлардан бери қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашиб келган. Чунки, улар туфайли, аниқ ҳисобларга қараганда, етиштирилган ҳосилнинг анчагина қисми йўқотилади. Хатто қадимги Грецияда экинларни турли зараркунандалар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда турли хил заҳарли моддалар ишлатишган.

Ҳашаротларнинг ўн мингдан ортиқроқ тури деҳқон насибасига шерик бўлади. Уларнинг кўпайишига бўлган қобилиятларини ҳисобга олсангиз, ёқа ушлашингиз турган гап. Бу соҳада колорадо кўнғизи рекордчилардан бири экан. Чунки, унинг битта урғочиси бир мавсумда деярли ўттиз миллионта авлод бериши мумкин.

МУЛОЗАМАТЛИ ХАЛҚ...

Жаҳонда энг назокатли ва эҳтиромли кишилар японлар бўлса керак. Статистикада ҳисобга олинган маълумотларга қараганда, бу кунчақар мамлакатда идора хизматчиси камидан ҳар 11-дақиқада бир маротаба, поезд провониклари эса, бир кунда 2100 марта, универмаг эскалаторида хизмат қилаётган аёллар кунига 2500 мартагача таъзим қилар эканлар.

Французларни энг мулозаматли кишилар деб тан олишади. Ёзувчи Колет буни жуда галати ҳол билан яна бир бор исботлади. Яқинда у эски Париж қабристонига қабр устига қўйилган куйидаги ёзувли ёдгорликни топди. «Мен дам олаётган жойга яқинлашганингизда сизга салом бермоқ учун ўрнимдан тура олмаганлигим учун авф этгайсиз».

ҚАРОҚЧИ ХАЗИНАСИ КИТОБДА

Франсиско Алварес деган кимса болалигидан эски жуғрофий хариталар ва хазиналар ҳақидаги китобларга қизиқарди. Унинг уйидаги учта хона катта ва оғир китоблар сақланадиган шкафлар билан банд. Унинг соҳиби бу китобларни ҳақиқатан ҳам ўқиб чиққанлигини уқтиради. Кунларнинг бирида у эски китоблар сотувчиси дўкончасига ташриф буюриб, эски денгиз атласини сотиб олди. У бошқа китоблардан катталиги ва вазни оғирлиги билан ажралиб турарди. Франсиско уйига келганида китобни тасодифан ерга тушириб юборди. Шунда китобнинг муқоваси ёрилиб кетди, унинг остида эса ичига ёпиштирилган хазина — 1500 испан песети бор экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

КАТТА САНЪАТ КАРНАВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Театр ижодкорлари уюшмасининг ташаббуси билан пойтахтимизда Тошкент театрлари ижодий жамоалари иштирокида "Арткарнавал" ўтказилди.

Тадбир очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлодни маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсон этиб тарбиялашга алоҳида

эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада халқимизнинг ёшларга ибрат бўладиган буюк намояндалари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, навқирон авлодни улاردан ўрнак олиш руҳида тарбиялаш катта аҳамиятга эга.

Карнавалда Тошкентдаги театр жамоаларининг энг яхши саҳна асарларидан кўринишлар ижро этилди, куй-қўшиқлар янгради.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i

GO'DAK

*Bolajon, ko'zingga tushganda ko'zim,
Bir dunyo sokinlik quyadi dilimni.
Naqadar musaffo, begunoh o'zing -
Begunoh nigohing oldi ko'nglimni.*



*Senda yo'q razolat, yomonlik bid'at,
Go'dagim, pokliging o'zingda qolsin.
Ko'ngli qoralarga qilma hech havas,
Kattalar softikni sendan o'rgansin.*

Ra'no XOLIQOVA, Chinoz tumani.

Ҳаёт сабоқлари

Мудир хонага кириши билан устма-уст телефон жиринглай бошлади.

— Кўнглим сезиб турибди, — деди у, — яна ўша бўлса керак, жонга тегди-ку.

У зарда билан котиба қизга юзланди.

— Хойнахой яна Нодир Зияевич йўқлаётгандир, яна у-бу нарса сўрайди-да. Хали, аввал олиб кетганларининг пулини олиб келгани йўқ, ахир инсоф ҳам керак-ку. Йўқлар, деб айт-толгин.

— Кўнмаептилар-да, — котиба қиз хуноб бўлди. — Худди кўриб тургандек «хойида ўтирибди-ку, нега ёлгон гапирасан», деб хафа бўла-яптилар.

Бу гапни эшитиб мудир нима дейишни билмай бир оз жим қолди.

— Жуда қайсар одам-да, Нодир ака, — деди у, — майли, «мен уёқ-бўёқни қараб кўрай-чи» дегин, трубкани қўймай тур.

Котиба айтган ишни қилди. Бироздан сўнг, мудир телефон гўшагини кўтариб, қулоғига тутди.

— Ким бу? — Дағал овоз эшитилди трубкадан.

— Муродилла...

— Мен Нодир аканг, бўламан, нима, жойингда ўтиролмайдиган бўлиб қолдингми, қачон сўрасам, йўқлар, деб айтади.

— Ака, энди хизматчилик-да, — деди мудир, — узр, айбга буюрмайсиз, қўшни хонада ходимлар билан бир масалани муҳокама қилаётган эдик.

— Ука, — деди Нодир Зияевич сал бўшагандек бўлиб, — хабаринг бордир: устоз Карим Мақсудов муборак саксон ёшини нишонляптилар. Бирга борайлик, дегандим.

Мурод бироз ўйланиб қолди. Ҳозиргина хонасидан чиқиб кетган Карим ота шогирдини тўйга таклиф қилди. Лекин Нодир Зияевичга бу ҳақда ҳеч нарса демаганлигини айтди: «Ўзинг яхши биласан, ўзини катта тутиб, бўлмагур гаплар-

ни айтиб, бошқаларнинг ҳам кўнглини хижил қилмасин дейман-да». Шогирди ўзингиз биласиз дегандек бош ирғиди. Аслини олганда, Нодир Зияевич директорликни Карим Мақсудовдан қабул қилиб олганди. Лекин, бир йил ишлар-ишламас, у ўзини йўқотди. Атрофдагиларни менсимай қўйди, улар билан кўпол муомалада бўла бошлади. Нафақа-

шади, дея ён-атрофдагилардан нолийдиган бўлиб қолди.

— Наҳотки шунга ҳам ақлингиз етмаса, — деди бир кун хотини Саломат опа, — улар сизнинг амалингизга, давлатингизга ошна эдилар-да. Сиз уларнинг мактовларидан эсанкираб, ўзингизни қўйишга жой тополмай, сархуш юрардингиз. Энг ёмони — ҳақиқий, садоқатли, камчилигингизни ўз вақтида айтиб, сизга ёрдам бермоқчи бўлган дўстларингизни ўзингизга душман деб билардингиз. Эсингиздами, бир кун мактабдош дўстингиз Турсунбой тушки овқатдан бир оз кечикиб келди. Ушанда сиз кўпчилик ўртасида уришиб, хатто ҳақорат қилишгача бордингиз. Бирок, улар сизга қарши бир оғиз гап айтмадилар, лём-мим демасдан чиқиб кетдилар. «Ошқозони оғриб қолганда, жаҳли чиқиб кетадиган одати бор эди, шундай бўлгандир-да», деб ўзларига ўзлари тасалли ҳам бердилар. Ёмоннинг бир қилиги ортик деганларидек, бунақа хатти-харақатларингиз кўп бўлган... Оёқда туролмайдиган даражада маст бўлиб келганингизда, ўзингиз айтиб мақтаниб қўярдингиз-ку, «фалончини ундай қилдим, фистончини бундай қилдим» деб.

Нодир Зияевич бу гаплардан мулзам бўлиб қолди.

— Хотин, — деди у, — бундай ўйлаб қарасам, сен ҳақсан, ҳамма айб ўзимда экан. Мен чучварани хом санаб юрган эканман. Уша пайтларда мен бозор қайтишини ўйламаган эканман. Амал менга гўё бир умр бериб қўйилган, хамиша ёш, навқирон бўлиб юраман, деб ўйлаб, катта хато қилган эканман. Кеч бўлса ҳам, энди тушуниб етдим. Бу хатони асло фарзандларим қайтармаслиги керак. Акс ҳолда, улар ҳам менинг кўнимга тушишлари мумкин...

Носир РИХСИЕВ.

АЙБ ЎЗИМДА

да юрган устози шогирдини кўргани келар, у билан дилдан суҳбатлашмоқни истарди. Нодир Зияевич дастлабки кунлар устозини ясама илтифот, зўраки қулги билан қабул қилди. Ўзини мажбур қилгандек суҳбатлашди. Кейинроқ устози қабулга келганда, «раҳбар йўқлар», деган жавобни оладиган бўлди. Бундан устозининг дили ранжиди, кўзини шира босибди-ку, мен ундан ош-нон сўраётганим йўқ эди, деган андиша ва мулоҳазага бориб, қадамни босмай қўйди. Лекин, манманга завол бўлди. Нодирни ишдан бўшатдилар, хатто оддий сотувчиликка ҳам лозим кўрмадилар. Ярим йил беркор юрди, кейин кимларнингдир илтимоси ёрдамида қайси бир ташкилотнинг касабга кўмитасида ишлаб бошлади. Лекин энди ёлғизланиб қолганди. Атрофида гирдиқалак бўлиб, соясига кўрпача солиб юрадиган дўстлари уни йўқламай қўйдилар. Кўча-кўйга чиққанида, чойхонада бўлганида, одамлар ундан ўзларини олиб қочишарди. Кўриб кўрмасликка оларди. Бу ҳолдан Нодир Зияевичнинг юраги сиқиларди, ўз-ўзича хуноб бўларди. Ахир мен уларга нима ёмонлик қилдим, нега улар ўзларини мендан олиб қочи-

Sport

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ПУСАНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Шу йил 29 сентябрдан 14 октябрга қадар Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда мамлакатимиздан бир юз олти нафардан зиёд спортчи йигирма учта спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

Пойтахт аэропортида Осиё ўйинларига йўл олган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди.

— Биз Пусанда имкон қадар энг юқори чўққиларни забт этишга, халқимиз ишончини тўла оқлашга ҳаракат қиламиз, — деди тадбирда спортчилар номидан сўзга чиққан бокс бўйича

жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров. — Насиб этса, Ватанимизга шода-шода медаллар билан қайтамиз.

Таникли санъат намояндалари спортчиларимиз шарафига концерт намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

БИЛЛУР СОВРИН БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги мусобақаларида олий ва биринчи табақа жамоалари билан бирга вилоят кубоги соҳиблари ҳам қатнашмоқда. Биллур соврин учун 43 жамоа тўққиз гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боради.

Вилоятимизнинг «Металлург», «Кимёгар» (Чирчиқ), «Ангрен» (Ангрен) ва Тошкентнинг «Локомотив» ҳамда «Академия» жамоалари «С» гуруҳида баҳс юритсалар, «Дўстлик», «Солиқчи» (Келес), Тошкент вилояти кубоги соҳиблари ва Тошкентнинг «НБУ-Осиё», «Трактор» жамоалари «Д» гуруҳида беллашади.

Кеча бўлиб ўтган биринчи турда «Солиқчи» «Дўстлик»ни қабул қилиб, 4:0 ҳисобида ўйинни бой берди. «Ангрен» — «Металлург» учрашувида ҳам олий табақа жамоаси 3:0 ҳисобида ғалаба қозondi. Чирчиқда бўлиб ўтган «Кимёгар» — «Локомотив» учрашуви 2:4 ҳисобида меҳмонлар фойдаси-

га ҳал бўлди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Цементчи» — «Кўкон-1912» — 2:1, «Навбахор» — «Шаҳрихон» — 4:0, «Сурхон» — «Самарқанд» — 4:2, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 4:1, «Ситора» — «Зарафшон» — 1:3, «Бухоро» — «Турон» — 1:0.

Иккинчи тур 29 сентябрда ўтказилади. «Ангрен» Тошкентда «Академия»га қарши тўп суради. «Солиқчи» «НБУ-Осиё» жамоаси меҳмони бўлади. «Дўстлик» эса ўз майдонида «Трактор» билан баҳс юритади. Вилоятимизнинг икки жамоаси «Металлург» ва «Кимёгар» Бекободда учрашади.

Талъат ЮСУПОВ.

Эслатиб қўйиш — вазифамиз

КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

Ичимликнинг хунук оқибатлари ҳақида кўп гапираримиз. Минг афсусли, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондиларининг ҳам бузилишига аксарият ҳолларда ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиб, автоуловларни бошқаришлари сабаб бўлмоқда.

Хусусан жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан транспортни маст ҳайдовчилар бошқарган 5267 та ҳолат аниқланди.

Энг ачинарлиси, бундан одамлар жабр кўрмоқда. Шу йилнинг 10 сентябрь кuni Янгийўл шаҳар Самарқанд кўчасида турган РАФ русумли автомобил билан ЯВА русумли мо-

тоцикл тўқнашуви натижасида бир киши тан жароҳати олди. Мазкур йўл-транспорт ҳодисаси бўйича дастлабки суриштирув ишлари ўтказилганида, маълум бўлишича, 1975 йилда туғилган Тоҳир Усмонов маст ҳолда мотоциклни бошқара олмай, уни РАФга келиб урган.

— Эллик грамм ичган эдим. Хўш, нима қилипти, — дейди оёқда зўрга турган Чирчиқ шаҳрида яшовчи яна бир «шоввоз»

А. Ҳамидов. — Бировга зарарим тегмаса бўлдида!

Унга биргина Тошкент вилоятининг ўзида ўтган саккиз ой мобайнида маст ҳайдовчилар айби билан 57 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгани ва унинг оқибатида 12 киши ҳаётдан бевақт кўз юмиб, 66 нафар одам турли тан жароҳати олганлигини ўша лаҳзада тушунириш бефойда эди. Негаки, унинг хуши жойида эмасди. Яна ҳам ташвишлиси, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, жабрланувчига ҳеч қандай ёрдам кўрсатмай, воқеа жойидан қочиб кетганлар ҳам борлигидир. Бундай номардларни, виждонсизларни яна нима деб аташ мумкин?

Эҳтимол вилоят бўйича қайд этилган — 77 та ҳолатда, яъни, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, қочиб кетганларнинг айримлари маст бўлгандир. Ўз қилмишлари жавобгарлигидан қочаман, деб иккинчи жиноятга қўл ураётганлар эртами кечми қонун олдида барибир жавоб берадилар. Афсусли, шундайларнинг айби билан 26 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Ўзгалар умрига зомин бўлаётганлар, ўз жонларига ҳам жабр қилмоқдалар. Қочаман, деб тезликни ошириб, симёғочларга, йўл четидаги тўсиқ ва дарахтларга бориб урилмоқдалар. Ҳа, доим яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтган.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ, Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ катта инспектори, милиция капитани.

Қулганга Нима этсин!

— Бу пиёда ўзини-ўзи ўлдирмоқчи шекилли, — дебди машинани бошқариб кетаётган аёл ёнида ўтирган эрига. — Ўн дақиқадан бери машинасимизнинг олдида тушиб юғриб кетаяпти. Нима қилай?

— Тролеядан катта йўлга ўтиб ол.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «АСКОМ» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Давъолар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 43-05-57 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги «ROSIY SAVDO» хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 5 октябрда чиқади).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақамли билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терлади ва соҳифоланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.